

Жиноят иши 1-1611-2501/7
Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья - Ж.Якубхўжаев

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья - Б.Абдуллаев

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил апрель ойининг 9 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ўз биносида, бўлиб ўтган очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Д.Мадаминов,

судьялар: А.Инамов ва Б.Абдуллаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Эргашевнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ж.Хамидов, судланган К.Казакбаевнинг ҳимоячиси - адвокат Ш.Қўчқоров, жабрланган Ш.Турсунов ва Н.Бойхановнинг иштирокида, Казакбаев Кобил Комиловичга оид жиноят иши унинг апелляция шикоятига асосан кўриб чиқилиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и :

Жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2025 йил 20 февралдаги ҳукмига кўра:

Казакбаев Кобил Комилович, 1987 йил 31 августда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2021 йил 27 январдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан 59,61-моддалари тартибида 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 28.10.2021 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 4 ой 12 кун жазо муддати 74-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

2) жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2021 йил 30 ноябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 167-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 1-қисми билан 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баравари миқдорида 12.265.000 сўм жарима ва иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган



ҳолда 3 йил 4 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 2022 йил 19 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми “г” банди, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а” банди билан 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 55 баравари миқдорида 12.265.000 сўм жарима ва 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 22.09.2022 йилдаги ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг 19.04.2022 йилдаги ҳукми билан тайинланган 12.265.000 сўм жарима жазоси ЖКнинг 44-моддаси тартибида 2 ой 17 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми билан узил-кесил ўташ учун 4 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 5 ой 7 кун жазо муддати ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2024 йил 27 майдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 2 йил 1 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Наманган шаҳар, Даштбоғ МФЙ, С.Шерозий кўчаси, 17-уйда яшаган, 2024 йил 25 сентябрдан қамоқдан сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан, 57-моддасини қўллаб, 5 йил 6 ой, 60,61-моддаларига асосан 5 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

К.Казакбаевдан жабрланган Ш.Турсуновга 116.577.270 сўм, жабрланган Н.Бойхановга 51.812.120 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, К.Казакбаев хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, 2023 йил 27 сентябрь куни Ш.Турсуновнинг ишончига кириб, алдаб, унга тегишли бўлган “Lasetti” русумли, 01 443 RGA давлат рақам белгили автомашинани бир ой муддатда пулини бериш шarti билан 7.000 АҚШ долларига келишиб сотиб олиб, автомашинани А.Хайдаровга 6.500 АҚШ долларига сотиб юбориб, келишилган пулларни Ш.Турсуновга бермасдан унинг 7.000 АҚШ долларига тенг 85.750.000 сўм;

такроран, 2023 йил октябрь ойида Ш.Турсуновнинг ишончига кириб, алдаб, унга ўзини тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахс қилиб кўрсатиб, бир



ой муддатда қайтариб бериш шарти билан 3.500 АҚШ долларини миқдоридаги пул маблағларини олиб кетиб, келишилган муддатда пулларни қайтариб бермасдан, унинг 3.500 АҚШ долларига тенг 42.945.000 сўм;

такроран, 2023 йил ноябрь ойида Н.Бойхановнинг ишончига кириб, алдаб, унга Андижон вилоятидан таниши орқали 15 дона тўқув дастгоҳларини олиб келишини, уни сотиб олиш учун харидори мавжудлигини, тўқув дастгоҳларини сотганидан кейин пулларини дарҳол қайтаришига ишонтириб, ундан 4.000 АҚШ долларини миқдоридаги пул маблағларини олиб кетиб, келишилган муддатда пулларни қайтариб бермасдан унинг 4.000 АҚШ долларига тенг 49.360.000 сўм миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Апелляция шикоятда К.Казакбаев, жиноят иши бўйича етказилган моддий зарар қариндошлари томонидан қопланганини маълум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанция суди, судья Б.Абдуллаевнинг иш бўйича маърузасини, судланган К.Казакбаевнинг ҳимоячиси Ш.Қўчқоров, жабрланган Ш.Турсунов ва Н.Бойханов ҳамда прокурор Ж.Хамидовнинг ҳукм билан ундирилиши белгиланган моддий зарар тўлиқ қоплангани инobatга олиб, шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор мулкка бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши;

4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;

ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозимлиги, ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахсининг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкинлиги тушунтирилган.

Судланган К.Казакбаевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувлари, жабрланган Ш.Турсунов ва Н.Бойхановнинг дастлабки тергов ва суддаги унинг



қилмишини фош этиб берган кўрсатувлари, судда тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган ва судланувчи тасдиқлаган, жиноят ишидаги фуқароларнинг аризалари, нарсани юзлаштириш баённомалари ҳамда К.Казакбаевнинг фуқароларга олди-берди масаласида ёзиб берган тилхатлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция суди иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, К.Казакбаевнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

“Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инobatга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги тушунтирилган.

Суд қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарорлари тушунтиришларга амал қилиб, К.Казакбаевга жазо тури ва миқдорини белгилашда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаганлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган модданинг қисми санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485-моддаси 6-бандида, ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасидаги етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги норманинг қўлланилиш зарурияти мавжудлиги ҳукми ўзгартириш учун асос эканлиги белгиланган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандида, ЖК 168-моддасида назарда тутилган жиноят учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда апелляция инстанцияси суди озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги тушунтирилган.

Апелляция инстанцияси судида жабрланган Ш.Турсунов ва Н.Бойханов етказилган зарарлар судланганнинг оила аъзолари томонидан тўлиқ қоплангани, К.Казакбаевга нисбатан даъволари йўқлигини маълум қилиб, унга қонуний енгиллик берилишини сўрашди.

Юқоридагиларга асосан апелляция инстанция суди, К.Казакбаевга нисбатан суд ҳукмини ўзгартириб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, айбига иқрор ва қилмишидан пушаймондалиги инobatга олиб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2024 йил 27 майдаги ажримига кўра ЖКнинг 73-моддасига асосан озод қилинган 2 йил 1 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг шартлилигини бекор қилиб, тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2024 йил 25 сентябрдан 2025 йил 9 апрелга қадар қамокда сақланган 6 ой 15 куннинг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегиришни;

жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг иш юритувидаги 1-1208-2501/65-сонли жиноят иши бўйича К.Казакбаевга қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланганини инobatга олишни, апелляция шикоятини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 485, 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанция суди

а ж р и м қ и л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг 2025 йил 20 февралдаги Казакбаев Кобил Комиловичга нисбатан чиқарилган ҳукми жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплангани сабабли ўзгартирилсин.

К.Казакбаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 60-моддаси тартибида, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2023 йил 10 февралдаги ажрими билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиб, узил-кесил 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



ЖКнинг 62-моддасига асосан ўташ учун 10 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати К.Казакбаев ички ишлар органларида рўйхатга олиниб, корхона, муассаса, ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисобланиб, жазони назорат қилувчи органлар белгилаган жойларда ўтатирилсин.

Жабрланган Ш.Турсунов ва Н.Бойхановга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, уларнинг даъвоси йўқли инобатга олинсин.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг иш юритувидаги 1-1208-2501/65-сонли жиноят иши бўйича К.Казакбаевга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллангани инобатга олинсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

имзо

Д.Мадаминов

Ҳайъат судьялари:

имзо

А.Инамов

имзо

Б.Абдуллаев

“Аслига тўғри”

Вилоят судининг судьяси

Б.Абдуллаев

